

Ишонч ёрлиқлари топширилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 декабрь куни Оқсанорда Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги, Швейцария Конфедерацияси, Эрон Ислом Республикаси, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Кувайт Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчилари этиб тайинланган Солих Аҳмад ал-Жаварнек, Штефан Клёцли, Баҳман Оғаразий Дўрмоний, Кристофер Аллан ва Аҳмад Холид Абдулла ал-Жийрондан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон ушбу давлатлар билан ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришини таъкидлади ва уларнинг масъулиятига муваффақият тилади.

Иордания элчиси билан сұхбатда мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда ўрнатилган ҳамкорликка юксак баҳо берилди, ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришдан томонлар манфаатдор экани, бу кўп қиррали ҳамкорликнинг мавжуд салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконини бериши таъкидланди.

Элчи Солих Аҳмад ал-Жаварнек Иордания Подшоҳи Абдуллоҳ Иккинчининг самимий саломи ва эҳтиромини етказди, мамлакатимиз бутун минтақада муҳим ўрин тутишини ва Иордания раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Швейцария Конфедерацияси элчиси Штефан Клёцли нафақат тажрибали дипломат, балки Марказий Осиёning экологик муаммолари бўйича мутахассис сифатида ҳам яхши маълум. У мамлакатимизда бошлиётган фаолиятида Швейцария билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий алоқаларни янада кенгайтиришга эътибор қаратишини қайд этди.

Швейцария Президенти Диєе Буркхальтернинг ўтган йилнинг охирида Ўзбекистонга ташрифи ва олий даражадаги самарали музокаралар сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш имконини берди.

Мамлакатимизга яқин қўшни ва истиқболли ҳамкор ҳисобланган Эрон билан муносабатлар ўзаро манфаатли барча йўналишларда мустаҳкамланиб бормоқда. Томонлар, айниқса, савдо-иктисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги алоқаларни изчил ривожлантирмоқда.

Элчи Бахман Оғаразий Дўрмоний Эрон ва Ўзбекистон, халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш, давлатлараро битимлар ва эришилган келишувларни амалга оширишда ўзининг билим ва дипломатик тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

Ўзбекистонда Буюк Британияга дунёдаги кучли сиёсий, иқтисодий, гуманитар имкониятга эга, глобал ва минтақавий жараёнларга таъсир кўрсата оладиган етакчи давлатлардан бири сифатида қаралади. Айни пайтда турли соҳаларда алоқаларни босқичма-босқич ривожлантириш имконини берадиган ўзаро англашув ва амалий ёндашув Ўзбекистон – Британия ҳамкорлигининг асосини ташкил этади.

Элчи Кристофер Аллан Буюк Британия раҳбарияти Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга тайёр эканини ва ушбу вазифани амалга оширишда у бор куч-гайратини ишга солишини таъкидлади.

Кувайт Давлати элчиси билан сухбат чоғида бугунги кунда икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Ўзбекистон ва Кувайт турли соҳаларда, жумладан, БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2004 йил январда Кувайтга ташрифи ва Кувайт Амирининг 2008 йил июль ойида мамлакатимизга ташрифи ўзаро муносабатларимизни янги босқичга кўтарди, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада фаоллаштириш имконини берди.

Элчи Ахмад Холид Абдулла ал-Жийрон ўзаро манфаатли муносабатлар бўйича тўпланган тажрибани янада бойитиш, Ўзбекистон ва Кувайт манфаатларига мос келадиган янги қўшма лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига ҳисса қўшишни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини таъкидлади.

[ЎзА](#)